

СИЁСИЙ ПСИХОЛОГИК МАНИПУЛЯЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Б.Т.Кўйлиев – докторант

Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: коммуникатив технологиялар, семантик манипуляциялаш, ижтимоий риторика, ахборий технологиялар, ахборий босим, психотехнологиялар, омма, эмоциялар, яширин таъсир.

Ключевые слова: коммуникативные технологии, семантические манипуляции, социальная риторика, информационные технологии, информационное давление, психотехнологии, публика, эмоции, скрытое влияние.

Key words: communication technologies, semantic manipulation, social rhetoric, information technology, information pressure, psychotechnology, audience, emotions, ulterior influence.

Замонавий манипуляция технологиялари кишилар онгида асрлар оша реал воқеликка таянган ҳолда тарихий тажриба асосида шакллланган билимларни бузиб, уни янгитдан, манипуляторлар томонидан ҳосил қилинган, сунъий билим билан алмаштиришга қодир. Ижтимоий шакллантирилган тарихий воқелик манзараси индивидга китоблар, маърузалар, радио, матбуот, театр томошалари ва кинофильмлар каби воситалар орқали узатилади.

Бирор-бир мулоҳаза ёки ғояни қайта-қайта такрорлаган ҳолда, кишиларни унинг оддий ҳақиқат эканлигига ишонтириб, уни ўйламасдан қабул қилишга кўнантириш сингдиришнинг самарадор усулларидан бири саналади. Инсон ўзи эслаган нарсани ишончли бўлиб туюлади. Гарчи, мазкур эслаш жараёни оддий реклама ролиги орқали механик тарзда кечса ҳам унинг ишончлилик даражаси ортиб бораверади. Шунинг учун ҳам рақибнинг ғояси ва назарияларига таъсир кўрсатишдан кўра, унинг кундалик онги, маиший хоши етаклари ҳамда оддий фикрларини ўзгартиришга уриниш махсуддорроқ бўлади.

Алмаштириш “икки стандартлилик”нинг кенг тарқалган кўринишларидан бири ҳисобланади. Мазкур усулга кўра, салбий ҳолатларни ифодалашда ижобий вазиятлардан фойдаланилади (ёки аксинча). Айни усулни қўллашдан асосий мақсад мажбурийлик, зўравонликка йўнатирилган вазиятларда ҳам кишилар тасаввурида ижобий имиж ҳосил қилишдан иборат. Масалан исёнлар, тинч намоёнликлар ёки қарама-қаршилиқ, “босқинчилик ҳаракатлари” эса озодлик учун кураш, “ёлланганлар” эса қўнғилилар деб аталади.

Қарама-қаршилиқ тамойили цензура ёки тухмат учун жавобгарликка тортилиш хавфи каби ҳаттарли вазиятларда ҳақиқатни тўғридан-тўғри айтиш имкони бўлмаган, аммо уни айтишга эҳтиёж кучли бўлган пайтларда қўлланилади.

Психологик шок ҳам бирмунча кучли самара берувчи усуллардан бири ҳисобланади. Бугунги кунга келиб ОАВларда инсон ўлими билан боғлиқ кўплаб хабар ва лавҳалар тез-тез чоп этилмоқда. Уришнинг адолатли ёки адолатсизлигига қарамасдан унинг оқибатларига оид видеолавҳалар намоён этилганда томошабинлар онг остида мазкур ақлларни содир этган тарафга нисбатан салбий таассурот уйғонади [1:34].

Сиёсий психологиянинг асосчиларидан бири бўлган Вилгелм Вундт ўзининг “Физиологик психология асослари” (1880-йил), “Халқлар психологияси муаммолари” (1912-йил) каби асарларида биринчилардан бўлиб, катта социал психологик ҳосилаларнинг тузилмаси масаласини кўтариб чиқди. Унинг халқлар психологияси ҳамда Лестер Уорднинг “Диманик социология” (1883-йил), “Цивилизациянинг психологик факторлари” (1901-йил) номли тадқиқотларида, Спенсор ғоялари танқид қилиниб, социологиянинг асосида биология эмас психология принциплари ётиши ғоясини илгари сурилади. Уларнинг фикрича ижтимоий ҳаёт хусусан сиёсатда ақлдан кўра ҳис-туйғулар устунлик касб этади. Шуни назарда тутган ҳолда Лестер Уорд ҳиссиётлари кучли бўлган инсонлар тарихий тараққиёт жараёнига жиддий таъсир кўрсатганликларини таъкидлаб ўтади.

“Жиноий оломон” (1891-йил), “Секталар психологияси” (1895-йил) асарларини муаллифи,

ижтимоий психолог, криминалист италиялик С.Сигелни ҳам мана шундай тадқиқотчилар қаторига киритиш мумкин. У кўпчилик томонидан такрорланадиган жиноятлар манбаалари тадқиқи билан шуғулланган. У оломон томонидан содир этиладиган “хукукбузарликларнинг сабабини” “ҳаракатнинг иррационал диманикасида” кўради. С.Сигелнинг таъкидлашича, омма психологиясининг ўзига ҳос хусусияти унинг инстинктив табиатида намоён бўлади. Омма шароитида кишилар ҳулқ-атворини онгли равишда бошқариш табиий равишда йўққа чиқади. Зеро, оммани ташкил қилган индивидларнинг кайфияти ва ҳулқ-атвори иррационал хусусият касб этиб, шунга кўра уларнинг ҳаракатлари ва ҳулқ-атворларини назорат қилиш имконсиз бўлиб қолади. Шу маънода оммада тўпланган турли эмоционал хусусиятлар жиноий ҳаракатлар учун ўзига ҳос замин яратади.

Мазкур масала рус тадқиқотчиси В.М.Бехтеревнинг “Ижтимоий ҳаётда сингдиришнинг роли” (1898-йил), “Объектив психология” (1907-йил), “Ижтимоий психологиянинг объектив фан сифатидаги предмети ва вазифаси” (1911-йил), “Жамоавий рефлексология” (1921-йил) асарларида ҳам жиддий тадқиқ этилган. Унинг асарларида жамоатчилик кайфияти гуруҳ ва омма психологиясининг асосий ҳодисалари сифатида тадқиқ этилади. Унинг фикрича, жамоатчилик кайфияти ўзида оммавий ижтимоий психологик ҳодисаларни намоён қилади.

Юқорида таҳлил қилинган концепцияларда кишилар ижтимоий гуруҳлар ва омманинг сиёсий ҳулқ-атвори, психологик хусусан онг ости тамойилларига таянган ҳолда тушунтирилади. Кўрииб турибдики, замонавий сиёсий психологиянинг ғоявий илдишлари санаб ўтилган муаллифлардан ташқари бошқа кўплаб тадқиқотчиларнинг ишларига ҳам бориб такалади.

Оммавий сиёсий онгга манипулятив таъсир кўрсатиш воситаси сифатидаги психотехнологиялар ҳақида гап кетганда, кишиларнинг қабуллалар психологиясига асосланувчи жуда кўплаб таъсир ўтказиш технологиялари мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бундан ташқари кўплаб махсус манипуляциялаш методлари ҳам мавжуд.

Ана шундай усуллардан бири сифатида, хабарларни ягона оқимда узатишни назарда тутувчи фрагментация методини кўрсатиш мумкин. Мазкур жараёнда муайян тенденцияни алоҳида илғаб олиш бир мунча мураккаб ҳисобланади. Оммавий истеъмол нуқтаи-назаридан эса бу ҳолатда муайян тенденцияни алоҳида ажратиш кўрсатиш деряли имконсиз. “Оқ шовкин” усули фрагментация методининг ёрқин мисоли бўла олади. Унга кўра шунчалик кўп хабарлар узатиладики, натижада фактларни идрок қилиш даражаси пасайиб уларни саралаш имконсиз бўлиб қолади. Мазкур усулга кўра “шовкин” жуда микдордаги текширилмаган ҳамда бирор-бир фактга асосланмаган хилма-хил изоҳлар ҳамда ўзаро зид фикрлар орқали ҳосил қилинади. Шунингдек, “шовкин” мураккаб назарий фактларни ёритиш гўёки ақлли туюладиган шарҳларни амалга ошириш орқали ҳам юзага келтирилиши мумкин [2:61].

Ана шундай методлардан яна бири сифатида “нуқтаи-назарларнинг чекланган мувофиқлиги” методини ҳам келтириб ўтиш мумкин. Унга кўра манипуляторларни қониктирмасда улар томонидан

илгари сурилган муайян нуктаи-назар ҳужумкорлик хусусиятини касб этмайди. Аммо у аста-секинлик билан манипуляторлар нуктаи-назарини омма онига сингдириб боради. Бунда дастлаб мавжуд бўлган нуктаи-назарга таяниб, аста-секинлик билан у қабул қилиниши керак бўлган нуктаи-назарга айлантирилади [2:62].

Бундай методлар қаторига қалғитиш ёки “дудланган балиқ” методини ҳам киритиш мумкин. Итти муайян изга солиш учун унинг олдида “дудланган балиқ”ни судраб ўтиш кифоя. Тарғиботчилар ҳам мазкур атамани қўллашда айни аналогияга асосланидилар. Унга кўра манипуляторлар муҳим аммо ўз мақсадларига мувофиқ келмайдиган ахборотдан қалғитиш учун жамоатчилик диққатини бошқа бир хабарга сенсацион шаклда жалб қиладилар. Натижада қалғитувчи доминанта ҳосил қиланади.

Фактлар ҳосил қилиш методи ҳам манипуляциялаш жараёнида кенг қўлланилади. Унга кўра воқеликда рўй бераётган ҳақиқатга ўхшаш, воқеликда рўй бераётган ҳақиқатга ўхшамайдиган ҳамда ўйлаб топилган ҳақиқатга ўхшаш фактлар бирлаштирилади. Шу тарика ҳақиқатга ўхшамас фактлар борасидаги аудитория шубҳаси бартараф қилиниб, улар ўйлаб чиқарилган ҳақиқатга ўхшаш фактларга сўзсиз ишонадилар. Бундан ташқари тўғридан-тўғри маънодаги фактлар яратилишини ҳам назарда тутиш лозим.

Объектив ёндашув методига кўра эса мавжуд фактлар йиғилиб улар шарҳланади. Мазкур шарҳлар жараёнида эса аслида мавжуд бўлмаган ҳодисаларни тушунтиришга қаратилувчи кам тарқалган фактлардан фойдаланилади. Натижада эса бундай ҳодисалар ҳақиқатдан ҳам мавжуддек тус олади. Бу ҳолат Эдип эффекти деб аталади.

Тарихий аналогия методи биринчи навбатда интеллектуал жиҳатдан самарадор бўлиб, унга кўра тарғиботчи аудиториянинг эрудициясига “Эсингиздами...” деган ифодалар орқали мурожаат қилади, қолаверса, тарихдан исталган замонавий ҳодисага мисол излаб топиш мумкин. Бундан ташқари тарихий аналогия методи таъсир объектини дастурловчи метафораларни ҳосил қилишга ҳам ёрдам беради.

“Лой чаплаш”, манипуляция жараёнида кенг қўлланиладиган деструктив методлардан бири саналади [4:131]. Унга кўра, нутқ мавзуга кескин ахлоқий нуктаи-назардан негатив хусусият берувчи эпитетлар ва атамалар ишлатилади. Ушбу метод энг қўпол тарғибот услубларидан бири бўлишига қарамадан, жорий сиёсий курашлар жараёнида кенг тадбиқ қилинади.

Шунингдек, сиёсий онгни манипуляциялаш жараёнида семантик методдан ҳам фойдаланилади. Мазкур метод қўлланилганда, кишилар онгида ё ижобий ёки салбий ассоциацияларни уйғотувчи сўзлар усталлик билан танлаб олинди, идрок қилиш жараёнига таъсир кўрсатилади. Бунда мисол учун, “биз одамимизни разведкачи деб атаймиз, улар эса айғокчи. Биз озодлик кучларимиз, улар мустамлакачилар. Биз миллий озодлик курашчиларимиз, улар эса жангарилар. Бизда қўшин бўлса уларда ноқонуний қуроли бандлар мавжуд” каби ифодалардан фойдаланилади.

Адабиётлар

1. Почепцов Г.Г. Информационные войны. -М.: 1999.
2. История, нравы и обычаи народов Северного Кавказа. -Ростов-на-Дону: 1984.
3. Маркова А.К. Психология профессионализма. -М.: 1996.
4. Манипулирование массовым политическим сознанием (Анализ репрезентации проявлений, разновидностей и технологий) В.И.Елева. Ростовский государственный университет 2003.
5. Блумер Г. Коллективное поведение. // Американская социологическая мысль. -М.: 1994.
6. Кара-Мурза С. Манипуляция сознанием. -М.: 2000. <http://probib.narod.ru/>

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада жамоатчилик онгини манипуляциялашнинг хилма-хил сиёсий психологик технологиялари қисқич таҳлил қилинади. Шунингдек, мазкур турдаги манипуляция технологияларини қўллашда нафакат жамоатчилик онги, қолаверса,

Шу сабабли жамоатчилик онгини манипуляциялашда кишиларнинг ҳиссий соҳаларига алоҳида урғу берилади. Бундай ҳолатларда ҳиссийга жиддий таъсир кўрсатувчи аномал ҳодисалар ва инқирозлар сунъий тарзда ҳосил қиланади. Бундай инқирозлар ва аномал ҳодисалар қаторига йирик технохалокатлар, қонли зўравонликлар (террористик актлар, маняк жинойтчилар, диний-этниқ миллий зиддиятлар), йирик ижтимоий гуруҳларни қамраб олувчи катта ҳажмдаги сиёсий тўқнашувлар ва ҳақозоларни киритиш мумкин.

Айниқса кундалиқ ахлоқ даражасида қораланиладиган: кўркүв, ҳасад, кўраолмаслик сингари туйғуларни уйғотиш бирмунча осон кечади. Мазкур ҳиссийлар онг назоратидан ташқарига чиқиб, турли зўравонликлар кўринишида намоён бўлади. Аксинча, анъанавий, ижобий қадриятларга таянувчи туйғулар эса бирмунча барқарор бўлиб, манипуляция таъсирига қамроқ учрайдилар. Манипуляция жараёнида ачиниш аҳолининг заиф ва ҳимояга муҳтож қисмига нисбатан ҳамдардлик туйғусидан ҳам кенг фойдаланилади. Айрим вазиятларда ўзининг заиф нуқталарини кўрсатиб, бошқаришга қодир эмаслиги ҳаттоки, бунга хоҳиши ҳам йўқлигини таъкидловчи пассив манипулятор манипуляция дастурининг ҳал қилувчи фигураси ҳисобланади.

Манипуляция жараёнида соғлом фикрни биров муқддатга бўлсада чеклашга хизмат қилувчи ҳар қандай эмоциядан, онг билан мослаштирилган ҳолда унумли фойдаланилади. Аммо манипуляторлар ишни энг аввало ижтимоий онгда актуал бўлган ҳис-туйғуларни уйғотишдан бошлайдилар. Америкалик социолог Г.Блумер ўзининг “Жамоавий ҳулқ-атвор” номли асарида, “тарғиботнинг амал қилиш жараёни кишилар эга бўлган ҳис-туйғулар ҳамда хурофотларда намоён бўлади” [5:74], деб ёзади.

Онгни манипуляциялаш жараёнида кўркүв ҳиссидан кенг фойдаланилади. Бу борада тадқиқотчи С.Кара-Мурзанинг “Онг манипуляцияси” асарида илгари сурилган қуйидаги фикрларни эсга олиш ўринли: “ноадекват кўркүв таъсирига тушиб қолган жамиятда, умумий ақл йўққа чиқади” [6:102]. Бундан келиб чиққан ҳолда манипуляцияни унинг объекти томонидан пайқалмайдиган фактлар орқали яширин таъсир ўтказиш жараёни деб таърифлаш мумкин. Манипуляцияланаётган киши содир бўлаётган воқе-ҳодисаларни табиий ва зарурий эканлигига ишонгандигина мапуляция мувафакқиятли амалга ошади. Бир сўз билан айтганда манипуляция жараёни учун соҳталиги сезилмайдиган сохта воқеликни ҳосил қилиш талаб қиланади.

Шу маънода манипуляциялаш манипуляторнинг кучли билим ва малакага эга бўлишини талаб қилади. Бу эса ўз навбатида жамоатчилик онгини манипуляциялашнинг махсус технологиялари ҳамда уларни тўлиқ ёки қисман қўллай оладиган профессионаларнинг шаклланишига олиб келди. Қолаверса, айни соҳада махсус кадрлар тайёрлаш тизими, илмий муассасалар ҳамда илмий ва илмий оммабоп адабиётлар ҳам вужудга келди. Манипуляция нафакат дўстлар ёки шериклар онгига таъсир ўтказиш балки ҳокимиятни амалга ошириш технологиясининг бир қисми ҳам ҳисобланади.

уларнинг хиссиётларига ҳам алохида диққат қаратилади. Айниқса, омма билан ишлашда эмоцияларнинг аклни чеклаш хусусиятидан унумли фойдаланилиши масаласига алохида урғу берилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье проводится сравнительный анализ различных политико-психологических технологий манипулирования общественным сознанием. Также применении этого типа манипуляционной техники особое внимание уделяется не только общественному сознанию, но и его эмоциям. Особое внимание уделяется эффективному использованию ограничивающего сознание характера эмоций, особенно при работе с общественностью.

SUMMARY

This article provides a comparative analysis of various political and psychological technologies for manipulating public consciousness. Also, the use of this type of manipulation technique, special attention is paid not only to public consciousness, but also to its emotions. Emphasis is placed on the effective use of the mind-limiting nature of emotions, especially when dealing with the public

ДЕМОГРАФИЯЛЫҚ ӨСІҮГЕ ЭКОЛОГИЯЛЫҚ ФАКТОРДЫҢ ТӘСИРИ: МЕТОДОЛОГИЯЛЫҚ АСПЕКТЛЕРІ

М.Қ.Ниязымбетов - философия илимлеринің докторы

ӨзР ИА Қарақалпақстан бөліміне қараслы Қарақалпақ тәбiiгый илимий изертлеу институтының
үлкен илимий хызметкері

Таянч сўзлар: демография, демографик ўсиш, экологик омил, “инсон-табиат” тизими, методология, экоцентрик парадигма.

Ключевые слова: демография, демографический рост, экологический фактор, система “человек-природа”, методология, экоцентрическая парадигма.

Key words: demography, demographic growth, ecological factor, “human-nature” system, methodology, ecocentric paradigm.

Халықтың санлық өлшеми, жасы, жынысы, билим дәрежеси, экономикалық айырмашылығы хэм де басқа да тийкарғы характеристикалар мәмлекетлик дәрежеде зэрүр шешимлер қабыл етиў ушын тийкар болып хызмет етеди. Соның ушын да демографиялық процесслерге, мәселен, туўыўшылыққа кери тәсир ететугын факторларды аныклаў, оны шешиўдиң методологиялық аспектерин илимий үйрениў актуаллық әҳмийетке ийе.

Себеби, заманагөй жәмийетте ең тийкарғы капитал – бул адам капиталы. Оның саны менен сапасын илимий баҳалаў – мәмлекетлик дәрежедеги актуаллық проблемалардың бири. Әсиресе, бул демографиялық прогнозластырыў, атап айтқанда халық санының күтилитуғын өзгерислерди аныклаўға, мәмлекетимиздеги демографиялық жағдайларды баҳалаўға, мийнет ресурсларының санын аныклаўға, халықты мийнет пенен тәмийинлеў хэм мийнеттен пайдаланыў социаллық-экономикалық процесин басқарыў ушын зэрүр.

Демографиялық процесслерге бир неше факторлар тәсир етип, атап айтқанда туўыўшылық, өлимшилик, миграция, экономиканың өсиўи хэм билимлендириў тараўының раўажланыўы, экологиялық апатшылықлар, хаяллар статусын көтериў, туўыўды режелестириў сиясаты хэм т.б. киреди.

Биз бул мақалада демографиялық өсиўге экологиялық фактордың тәсирин алып қараймыз. Бул, әсиресе, хәзирги күнде экологиялық апатшылықлар, хаўаның патасланыўы, жердиң шорланыўы хэм т.б түринде жүз бермекте. Бундай шараятта адам денсаўлығына кери тәсирлердиң болыўы, тәбiiй туўыўшылыққа да тиккелей кәуипли жағдайларды келтирип шығарады. Бул өз нәўбетинде адам тәрәпинен биосфераға көрсетилип атырған тәсирди тәртипке салыў, социаллық раўажланыў менен қолай тәбiiй орталықты сақлап қалыўдың өз ара тәсирин уйғынластырыў, адам хэм тәбияттың өз ара қатнасларында тең салмақлыққа ерисиў проблемалары барған сайын актуал болып қалмақта. Бундай проблемаларды шешиўде қандай экологиялық парадигмаға тийкарланыў зэрүр, оның методологиялық стандартлары қандай болыўы керек? Демек, демографиялық өсиўге тәсир ететугын, адам хэм тәбият арасындағы өз ара қатнасларды тәртипке салыўдың методологиялық өлшемлерин ислеп шығыў хэм бул өлшемлердиң реаль тийкарларын жаратыў актуаль мәселелердиң бирине айланды.

Бул мақалада биз хәзирги заман илимий билиўинде дүньяның илимий картинасы болып есапланған, геоцентрик хэм гелиоцентрик моделлерди (парадигмалар) аналог сыпатында алып қарап, «тәбият

хэм адам», «тәбият хэм жәмийет» системлары арасындағы өз ара қатнасларды белгилейтуғын моделлерди, яғный дүньяның илимий картинасын беремиз. Атап айтқанда, экологиялық санының антропоцентристлик хэм экоцентристлик парадигмалары. Бунда антропоцентристлик – дүньяның орайы сыпатында адам алып қаралса, экоцентристлик – бул дүньяның орайы сыпатында экология алып қаралады.

Экоцентристлик парадигманың философиялық мәніси хэм мазмұнын ашып көрсетемиз.

Экоцентристлик парадигманың характерлик белгилери (өлшемлери) сыпатында төмендегилерди алып қараўымызға болады. *Дүньяның иерархиялық картинасынан бас тартылады.* Адамның қандай да бир айрықша артықмашылығы сол тийкарда, яғный оның ақылға ийе болыўы менен қабыл етилмейди, керисинше, оның ақыллығы оған қоршаған тәбиятқа қатнасында қосымша жуўапкершиликти жүклейди. Адамлар дүньясы тәбият дүньясына қарама-қарсы қойылмайды, бәлки, олар екеўи де бир пүтин системаның элементлери сыпатында алып қаралады. *Адам хэм тәбияттың гармониялық раўажаланыўы ең жоқарғы қәдирият сыпатында белгиленеди.* Бунда тәбият бирден бир қәдирият сыпатында баҳаланып, оның жасаўына хуқықы бар. Адам тәбияттың мүлқдары емес, ал тәбияттың ағзаларының бири ғана. *Тәбият пенен өз ара тәсирдиң мақсети, адамлардың талаплары менен бир қатарда, тәбияттың да талапларын максимал қанаатландырыў болып табылады.* Тәбиятқа тәсир, өз ара тәсир (адам хэм тәбият арасында өз ара тәсир) менен алмастырылды. *Тәбият пенен өз ара тәсирдиң характери мына экологиялық императив пенен анықланды:*, егер де тәбияттағы экологиялық тең салмақлық бузылмаўға бағдарланса, тек ғана сол нәрсе дурыс деп хэм рухсат етилген.

Экоцентристлик моделдиң экологиялық болмыс хэм экологиялық сананың диалектикалық бирлигин тәмийинлеўдеги методологиялық өлшемлерин ислеп шығыўда биз Э. Фроммның методологиялық әҳмийетке ийе болған принципін дыққатқа алыў керек деп ойлаймыз.

Адамның жасаў усылы еки ишки диаметрлық қарама-қарсылықлы установкаларға тийкарланған болып, буны Э.Фромм төмендеги формула менен аңлатады: «ийелик етиў» ямаса «болыў».

Адамның жасаў усылы установкалары, «ийелик етиў» хэм «болыў» арасында антогонистик қарама-қарсылықты жүзеге келтириў, жәмийет раўажланыўына кери тәсирин тийгизиўи анық.

Инсан жасаўының жоқарыдағы установкаларға советлер дәўиринде жетерлише итибар